# Бошланғич сарф

*(Араб тили сарф фанидан дарслик)*

Нашрга тайёрловчи:
**Анвар Аҳмад**

**www.arabic.uz**

**Тошкент**
**2014-йил**

# بسم الله الرحمن الرحيم

إِنَّ الصَّرْفَ أُمُّ العُلُومِ وَالنَّحْوَ أَبُوهَا

## Сарф

Сарф фани ўзакдан феъллар ва исмлар ясашни ўргатади.
Араб тилида оғиздан чиққан калима уч қисмга бўлинади.
1. Феъл.
2. Исм.
3. Ҳарф.
Ҳарфни иншааллоҳ наҳв дарсликларида ўрганамиз.

## Феъл

Бир иш ҳаракатни ҳосил бўлиши ва уни қайси замонда ҳосил бўлганига далолат қилган калима феъл, деб аталади.

Феъллар учта замонда бўлади.

1. مَاضِي – ўтган замон феъли; ёзди, урди.
2. مُضَارِعٌ – келаси ва ҳозирги замон феъли; ёзяпти, уряпти, ёзади, уради.
3. أَمْرٌ – буйруқ феъли.

Феъллар уч шахсда бўлади;
1 – Шахс – مُتَكَلِّمٌ – сўзловчи.
2 – Шахс – مُخَاطَبٌ – тингловчи.
3 – Шахс – غَائِبٌ – ўзга.

Ҳамда;

مُذَكَّرٌ – эркакларга хос.
مُؤَنَّثٌ – аёлларга хос.

Ва яна:
مُفْرَدٌ – бирлик
تَثْنِيَةٌ – иккилик

جَمْعٌ – кўплик

## Ўзак

Араб тилида иш ҳаракатни номини билдирган калима, “**масдар**” яъни “**ўзак**” дейилади.

Масдарни охиридаги – “...моқ”, “...иш” қўшимчалари орқали ажратиб олинади.

Масалан: ضَرْبٌ، مَشْيٌ، جَرْيٌ каби.

Маъноси: урмоқ, ёзмоқ, юриш, югириш, каби.

Масдардан 7 хил феъл ва 5 хил исм ясалади.

## Иштиқоқ

Иштиқоқ луғатда, сўзни ташкил топиши, маъносидадир.

Маънолари ва ҳарфларида бир-бирларига нисбат берилган икки сўзни, бирини иккинчисидан чиқариб олишга **«иштиқоқ»,** дейилади.

Исм икки қисмга бўлинади:

1. Исми жомид (бир ҳолда турадиган исмлар)
2. Исми масдар.

Исми жомиддан ҳеч нарса иштиқоқ қилинмайди.

Масалан: رَجُلٌ – киши ва فَرَسٌ – от каби.

Исми масдардан эса бир неча нарса иштиқоқ қилинади.

Масдарнинг ўзбек тилидаги маъносининг охирига (-моқ, -иш) қўшимчаси қўшилади.

Масалан: ضَرْبٌ – урмоқ ва قَتْلٌ – ўлдирмоқ каби.

Масдардан қуйидаги 12 нарса иштиқоқ қилинади:

1. **Феъли мозий** – ўтган замон феъли.
2. **Феъли музореъ** – ҳозирги ва келаси замон феъли.
3. **Исми фоъил** – иш бажарувчи зот.
4. **Исми мафъул** – қилинган иш номи ёки иш қилинмиш зот, яъни иш ўша кишининг устида олиб борилган кимса.
5. **Феъли жаҳд** – ўтган замон инкор феъли.
6. **Феъли нафий** – ҳозир ва келажак замоннинг инкор феъли.
7. **Феъли амр ҳозир** – буйруқ феъли.
8. **Феъли амр ғоиб** – ломлик буйруқ феъли.
9. **Феъли наҳий** – буйруқ феълининг инкори.
10. **Исми замон ва макон** – иш бажариладиган вақт ва жой.
11. **Исми олат** – иш бажарувчи қурол ва ускуна.
12. **Исми тафзил** – ортиқроқ иш бажарувчи.

ضَرْبٌ – масдаридан қуйидаги 12 нарса иштиқоқ қилинади:

1. ضَرَبَ – урди у бир эркак киши, ўтган замонда.

2. يَضْرِبُ – уради у бир эркак киши, келаси замонда.

3. ضَارِبٌ – урувчи бир эркак киши.

4. مَضْرُوبٌ – урилган бир эркак киши.

5. لَمْ يَضْرِبْ – урмади у бир эркак киши, ўтган замонда.

6. لاَ يَضْرِبُ – урмайди у бир эркак киши, келаси замонда.

7. اِضْرِبْ – (амр ҳозир) ур сен бир эркак киши.

8. لِيَضْرِبْ – (амр ғоиб) урсин у бир эркак киши.

9. لاَ تَضْرِبْ– урма сен бир эркак киши.

10. مَضْرِبٌ– уриладиган вақт ва макон.

11. مِضْرَابٌ – урувчи қурол.

12. أَضْرَبُ –урувчироқ бир киши.

## Феъллар  7 хил бўлади

1. **Феъли мозий** – ўтган замон феъли.
2. **Феъли музореъ** – ҳозирги ва келажак замон феъли.
3. **Феъли жаҳд** – ўтган замон инкор феъли.
4. **Феъли нафий** – ҳозир ва келажак замонда иш-ҳаракатни инкорини билдирувчи феъл.
5. **Феъли амр ҳозир** – ломсиз буйруқ феъли.
6. **Феъли амр ғоиб** – ломлик буйруқ феъли.
7. **Феъли наҳий** – ўша заҳоти бир иш ҳаракатдан қайтариш.

## Мозий феъли

Мозий феълининг маълуми 14 сийғада келади:

6та ғоиб (3– шахс); 6та мухотаб (2– шахс); ва 2та мутакаллим (1– шахс).

6та ғоиб сийғасининг 3таси музаккар (эркак жинси) сийғаси учун ва 3таси муаннас (аёл жинси) сийғаси учундир. 6та мухотаб сийғасининг ҳам 3таси музаккар сийғаси ва 3таси муаннас сийғаси учундир. Мутакаллимнинг 2та сийғаси эса, ҳам музаккар ҳам муаннас сийғаси учундир. Ғоиб ва мухотаб сийғаларида музаккар сийғаси учун ҳам, муаннас сийғаси учун ҳам бирлик, иккилик ва кўплик бўлади. Мутакаллим учун эса фақат бирлик ёки кўплик бордир. Яъни бир киши: «Мен ва биродарим иккимиз,–деса ҳам иккилик сийғаси бўлмасдан кўплик сийғаси бўлади.

Мозий феълининг маълуми қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| ضَرَبَ | урди у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |

| | |
|---|---|
| ضَرَبَا | урди у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| ضَرَبُوا | урдилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| ضَرَبَتْ | урди у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| ضَرَبَتَا | урди у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| ضَرَبْنَ | урдилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |
| ضَرَبْتَ | урдинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| ضَرَبْتُمَا | урдингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| ضَرَبْتُمْ | урдинглар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| | |
| ضَرَبْتِ | урдинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| ضَرَبْتُمَا | урдингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| ضَرَبْتُنَّ | урдинглар сиз кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| ضَرَبْتُ | урдим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| ضَرَبْنَا | урдик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

Мозий феълини мажҳул ҳолга келтириш учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфни касрали ва у ҳарфдан олдинги ҳар бир ҳаракатли ҳарфни заммали қилинади. Масалан: ضَرَبَ –маълум феъл эди. Бу феълнинг охирги ҳарфидан олдинги ҳарф бўлган (ر) –касрали қилинади – ضَرِبَ бўлади. Сўнгра (ر) ҳарфидан олдинги ҳаракатли бўлган ҳарф –(ض) заммали қилинади –ضُرِبَ бўлади.

Мозий феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| ضُرِبَ | урилди у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| ضُرِبَا | урилди у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| ضُرِبُوا | урилдилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| ضُرِبَتْ | урилди у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| ضُرِبَتَا | урилди у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| ضُرِبْنَ | урилдилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |
| ضُرِبْتَ | урилдинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| ضُرِبْتُمَا | урилдингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| ضُرِبْتُمْ | урилдинглар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| | |
| ضُرِبْتِ | урилдинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| ضُرِبْتُمَا | урилдингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| ضُرِبْتُنَّ | урилдинглар сиз кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| ضُرِبْتُ | урилдим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| ضُرِبْنَا | урилдик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Музореъ феъли

Музореъ феълининг маълуми ҳам 14 сийғада келади. Музореъ феълининг аввалида қўшилиб келадиган ҳарфларга «**музориъат ҳарфлари»**, дейилади.

Музориъат ҳарфлари 4та: ا، ت، ي، ن

Музореъ феълининг маълуми қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| يَضْرِبُ | уради у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| يَضْرِبَانِ | уради у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| يَضْرِبُونَ | урадилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| تَضْرِبُ | уради у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| تَضْرِبَانِ | уради у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| يَضْرِبْنَ | урадилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| تَضْرِبُ | урасан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| تَضْرِبَانِ | урасиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| تَضْرِبُونَ | урасизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| تَضْرِبِينَ | урасан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| تَضْرِبَانِ | урасиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| تَضْرِبْنَ | урасизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| أَضْرِبُ | ураман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| نَضْرِبُ | урамиз биз кўп эркаклар, ёки кўп аёллар келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## **Музореъ феълининг мажҳули**

Музореъ феълини мажҳул ҳолга келтириш учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфни фатҳали ва музориъат ҳарфини заммали қилинади.

Масалан: يَضْرِبُ –маълум феъл эди. Бу феълнинг охирги ҳарфидан олдинги ҳарф бўлган (ر) фатҳали қилинади –يَضْرَبُ бўлади. Сўнгра музориъат ҳарфи заммали

қилинади / يُضْرَبُ бўлади. Музореъ феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| يُضْرَبُ | урилади у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| يُضْرَبَانِ | урилади у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| يُضْرَبُونَ | уриладилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| تُضْرَبُ | урилади у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| تُضْرَبَانِ | урилади у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| يُضْرَبْنَ | уриладилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |
| تُضْرَبُ | уриласан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| تُضْرَبَانِ | уриласиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| تُضْرَبُونَ | уриласизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| | |
| تُضْرَبِينَ | уриласан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| تُضْرَبَانِ | уриласиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| تُضْرَبْنَ | уриласизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| أُضْرَبُ | уриламан мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| نُضْرَبُ | уриламиз биз кўп эркаклар ёки кўп |

| | |
|---|---|
| | аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Жаҳд феъли

Жаҳд феълини ясаш учун музореъ феълининг аввалига لَمْ келтирилади. Масалан: لَمْ يَضْرِبْ каби. Бу لَمْ охири саҳиҳ бўлган феълларда воҳидларининг охиридаги ҳаракатни (يَضْرِبُ → لَمْ يَضْرِبْ), тасния ва жамъларининг эса охирларидаги нунларни ( يَضْرِبَانِ → لَمْ يَضْرِبَا ), ( يَضْرِبُونَ → لَمْ يَضْرِبُوا ) туширади.

Охири ҳарфи иллат бўлган феълларда воҳидларидан ҳарфи иллатни ( يَرْمِى → لَمْ يَرْمِ ) тасния ва жамъларининг эса охирларидаги нунларни (يَرْمِيَانِ → لَمْ يَرْمِيَا), (يَرْمُونَ → لَمْ يَرْمُوا) туширади.

Аммо муаннаснинг икки жамъ сийғасининг охиридаги (ن)лар кўплик аломати бўлгани учун у нунлар ҳеч қачон тушмайди.

Яна لَمْ музореъ феълининг маъносини мозийга кўчириб, инкор қилади.

жаҳд феълининг маълуми 14 сийғада келади:

| | |
|---|---|
| لم يَضْرِبْ | урмади у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لم يَضْرِبَا | урмади у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لم يَضْرِبُوا | урмадилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| لم تَضْرِبْ | урмади у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لم تَضْرِبَا | урмади у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لم يَضْرِبْنَ | урмадилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |
| لم تَضْرِبْ | урмадинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| لم تَضْرِبَا | урмадингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لم تَضْرِبُوا | урмадингизлар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |

| | |
|---|---|
| | |
| لم تَضْرِبِي | урмадинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لم تَضْرِبَا | урмадингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لم تَضْرِبْنَ | урмадингизлар сизлар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| لم أَضْرِبْ | урмадим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لم نَضْرِبْ | урмадик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

**Жаҳд феълининг мажҳули**

жаҳд феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади:

| | |
|---|---|
| لم يُضْرَبْ | урилмади у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لم يُضْرَبَا | урилмади у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لم يُضْرَبُوا | урилмадилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| لم تُضْرَبْ | урилмади у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لم تُضْرَبَا | урилмади у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لم يُضْرَبْنَ | урилмадилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |
| لم تُضْرَبْ | урилмадинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| لم تُضْرَبَا | урилмадингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لم تُضْرَبُوا | урилмадингизлар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |

| | |
|---|---|
| لم تُضْرَبِي | урилмадинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لم تُضْرَبَا | урилмадингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لم تُضْرَبْنَ | урилмадингизлар сизлар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| لم أُضْرَبْ | урилмадим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لم نُضْرَبْ | урилмадик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Нафий феъли

Нафий феълини ясаш учун музореъ феълининг аввалига لاَ келтирилади. Масалан: لاَ يَضْرِبُ каби.

Бу لا музореъ феълининг маъносини истиқболга (келаси замонга) хослаб инкор этади.

Масалан: لاَ يَضْرِبُ дейилса, урмайди у бир эркак киши, келаси замонда, деган маъно чиқади. Лекин урмаяпти у бир эркак киши, ҳозирги замонда, деган маъно чиқмайди.

Нафий феълининг маълуми 14 сийғада келади:

| | |
|---|---|
| لا يَضْرِبُ | урмайди у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لا يَضْرِبَانِ | урмайди у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لا يَضْرِبُونَ | урмайдилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| لا تَضْرِبُ | урмайди у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لا تَضْرِبَانِ | урмайди у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لا يَضْرِبْنَ | урмайдилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |

| | |
|---|---|
| لا تَضْرِبُ | урмайсан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| لا تَضْرِبَانِ | урмайсиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لا تَضْرِبُونَ | урмайсизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| | |
| لا تَضْرِبِينَ | урмайсан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لا تَضْرِبَانِ | урмайсиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لا تَضْرِبْنَ | урмайсизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| لا أَضْرِبُ | урмайман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لا نَضْرِبُ | урмаймиз биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

**Нафий феълининг мажҳули**

Нафий феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади:

| | |
|---|---|
| لا يُضْرَبُ | урилмайди у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لا يُضْرَبَانِ | урилмайди у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لا يُضْرَبُونَ | урилмайдилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| | |
| لا تُضْرَبُ | урилмайди у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لا تُضْرَبَانِ | урилмайди у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لا يُضْرَبْنَ | урилмайдилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси) |
| | |

| | |
|---|---|
| لا تُضْرَبُ | урилмайсан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| لا تُضْرَبَانِ | урилмайсиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لا تُضْرَبُونَ | урилмайсизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| | |
| لا تُضْرَبِينَ | урилмайсан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لا تُضْرَبَانِ | урилмайсиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لا تُضْرَبْنَ | урилмайсизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| | |
| لا أُضْرَبُ | урилмайман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لا نُضْرَبُ | урилмаймиз биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Амр феъли ҳақида

Амр икки қисмдир: амр хозир (*мухотаб*) ва амр ғоиб (*ғоиб ва мутакаллим*).

## Амри ҳозир

Амри ҳозир музореъ феълининг 6та мухотаб сийғасидан икки амал бажарилади:

1. Музореъ феълининг охирига қаралади. Агар феълнинг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, сукунли қилинади.

Масалан: تَضْرِبُ → تَضْرِبْ каби.

Агар феълнинг охири ҳарфи иллат бўлса, ҳарфи иллат туширилади.

Масалан: تَرْمِي → تَرْمِ каби.

2. Музориъат ҳарфи бўлган (ت) ташлаб юборилади. Сўнгра унинг кейинидаги ҳарфга қаралади. Агар музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса, амр феъли шу ерда тугайди.

Масалан: تَثِبُ (сакрайсан) феълини олайлик. Аввал охирги ҳарфга қаралади, охири саҳиҳ ҳарф бўлгани учун сукунли қилинади: تَثِبْ. Кейин музориъат ҳарфи ташлаб юборилади. Унинг кейинидаги ҳарф ҳаракатли бўлгани учун амр феъли тугайди.

تَثِبُ → تَثِبْ → ثِبْ (сакра).

Агар музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлса, феълнинг ع ҳарфининг ҳаракатига қаралади. Агар феълнинг ع ҳарфининг ҳаракати касра ёки фатҳа бўлса, ясалаётган амр феълининг аввалига касрали ҳамза келтирилади.

Масалан: (تَضْرِبُ – تَفْعِلُ вазнида); (تَحْمَدُ – تَفْعَلُ вазнида).

تَضْرِبُ → تَضْرِبْ → ضْرِبْ → اِضْرِبْ (ур);

تَحْمَدُ → تَحْمَدْ → حْمَدْ → اِحْمَدْ (мақта).

Агар феълнинг ع ҳарфининг ҳаракати замма бўлса, ясалаётган амр феълининг аввалига заммали ҳамза келтирилади.

Масалан: (تَكْتُبُ – تَفْعُلُ вазнида).

تَكْتُبُ → تَكْتُبْ → كْتُبْ → اُكْتُبْ (ёз).

Шу билан амр феъли тугайди. Аммо أَفْعَلَ – يُفْعِلُ إِفْعَالٌ бобида амр феълининг аввалига ҳар доим фатҳали ҳамза келтирилади.

(*Масалан:* أَكْرِمْ ، أَقِمْ)

يَضْرِبُ، ضَرَبَ феълидан амри ҳозир қуйидагича олинади:

تَضْرِبُ – мухотаб сийғасининг охирига қаралади. ب саҳиҳ ҳарф бўлгани учун сукун қилинади: تَضْرِبْ бўлади. Музориъат ҳарфи бўлган ت олиб ташланади: ضْرِبْ бўлади. Музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлгани учун феълнинг ع ҳарфи ҳаракатига қаралади. ع ҳарфи баробарида бўлган ر ҳарфи касрали бўлгани учун ясалаётган амр феълининг аввалига касрали ҳамза келтирилади: اِضْرِبْ бўлади.

Амри ҳозир қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| اِضْرِبْ | ур сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси) |
| اِضْرِبَا | уринг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси) |
| اِضْرِبُوا | уринглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси) |
| اِضْرِبِي | ур сен бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси) |
| اِضْرِبَا | уринг сиз икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси) |
| اِضْرِبْنَ | уринглар сиз кўп аёллар, (жамъ муаннас |

| | |
|---|---|
| | сийғаси) |

## Амри ғоиб

Амри ғоиб феъли музореъ феълининг аввалига (لِ) келтириш билан ясалади. Масалан: لِيَضْرِبْ каби.

Бу (لِ) музореъ феълининг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳаракатни туширади.

Масалан: لِيَضْرِبْ каби. Саҳиҳ феълда ҳам, ноқис феълда ҳам тасния ва жамъларининг охиридаги нунларни туширилади. Лекин муаннаснинг жамъ сийғасидаги (ن) кўплик аломати бўлгани учун ҳеч қачон тушмайди.

Агар амри ғоиб феълининг аввалига бирор – бир ҳаракатли ҳарф туташса, (لِ) сукунли ўқилади. Масалан: فَلْيَضْرِبْ (бас урсин) каби.

Амри ғоиб феълининг маълуми 8 сийғада келади: 6та ғоиб ва 2та мутакаллим. Амри ғоиб феъли қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| لِيَضْرِبْ | Урсин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لِيَضْرِبَا | Урсин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لِيَضْرِبُوا | Урсинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| لِتَضْرِبْ | урсин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لِتَضْرِبَا | урсин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لِيَضْرِبْنَ | урсинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси) |
| لأَضْرِبْ | урайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لِنَضْرِبْ | урайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Амри ғоибнинг мажҳули

Амри ғоиб феълининг мажҳули 14 сийғада келади. Истисно тарзида аввал мухотаб сийғаси сарфланади. Амри ғоиб феълининг мажҳули куйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| لِتُضْرَبْ | урилгин сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси) |
| لِتُضْرَبَا | урилингиз сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси) |
| لِتُضْرَبُوا | урилингизлар сизлар кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси) |
| لِتُضْرَبِي | урилгин сен бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси) |
| لِتُضْرَبَا | урилингиз сиз икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси) |
| لِتُضْرَبْنَ | урилингизлар сизлар кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси) |
| لِيُضْرَبْ | урилсин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لِيُضْرَبَا | Урилсин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لِيُضْرَبُوا | Урилсинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| لِتُضْرَبْ | урилсин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لِتُضْرَبَا | урилсин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لِيُضْرَبْنَ | урилсинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси) |
| لِأُضْرَبْ | урилайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لِنُضْرَبْ | урилайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Наҳий феъли

Музореъ феълининг аввалига (لَا) келтириш билан наҳий феъли ясалади. Масалан: لَا تَضْرِبْ (урма) каби.

Наҳий ломи (لَا) киритилганида музореъ феълининг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳаракатни (لَا تَضْرِبْ) каби сукун қилади. Агар охири иллат ҳарфи бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳарфи иллатни (لَا تَرْمِ) каби туширади.

Шунингдек, тасния ва жамъларидаги (ن)ларни ҳам туширади.

Лекин муаннаснинг жамъларидаги (ن)ларни туширмайди. Наҳий феълининг маълуми 14 сийғади келади. Бу феълда ҳам истисно тарзида аввал мухотаб сийғаси, кейин ғоиб ва мутакаллим сийғалари сарфланади.

Наҳий феъли қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| لاَ تَضْرِبْ | урма сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبَا | урманг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبُوا | урманглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبِي | урма сен бир аёл, (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبَا | урманг сиз икки аёл, (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبْنَ | урманглар сиз кўп аёллар, (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| لاَ يَضْرِبْ | урмасин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб) |
| لاَ يَضْرِبَا | урмасин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لاَ يَضْرِبُوا | урмасинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبْ | урмасин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لاَ تَضْرِبَا | урмасин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لاَ يَضْرِبْنَ | урмасинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси) |
| لاَ أَضْرِبْ | урмайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لاَ نَضْرِبْ | урмайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## Наҳий феълининг мажҳули

Наҳий феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| لاَ تُضْرَبْ | урилма сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси) |

| | |
|---|---|
| لاَ تُضْرَبَا | урилманг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبُوا | урилманглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبِي | урилма сен бир аёл, (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبَا | урилманг сиз икки аёл, (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبْنَ | урилманглар сиз кўп аёллар, (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси) |
| لاَ يُضْرَبْ | урилмасин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси) |
| لاَ يُضْرَبَا | урилмасин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси) |
| لاَ يُضْرَبُوا | урилмасинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبْ | урилмасин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси) |
| لاَ تُضْرَبَا | урилмасин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси) |
| لاَ يُضْرَبْنَ | урилмасинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси) |
| لاَ أُضْرَبْ | урилмайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |
| لاَ نُضْرَبْ | урилмайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси) |

## ИСМ 5 ХИЛ БЎЛАДИ

### 1
### Исми фоъил

Исми фоъил сулосий мужаррад бобларида доимо فَاعِلٌ вазнида келади. Масалан: ضَارِبٌ каби.

Исми фоъил 6та сийғада келади: 3та музаккар ва 3та муаннас.

Исми фоъил қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| ضَارِبٌ | урувчи бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси) |

| | |
|---|---|
| ضَارِبَانِ | урувчи икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси) |
| ضَارِبُونَ | урувчи кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси) |
| | |
| ضَارِبَةٌ | урувчи бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси) |
| ضَارِبَتَانِ | урувчи икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси) |
| ضَارِبَاتٌ | урувчи кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси) |

Муаннаснинг жамъ сийғаси яна فَوَاعِلُ вазнида ҳам келади.

Масалан: ضَوَارِبُ –урувчи кўп аёллар (жамъ муаннас сийғаси).

Исми фоъил сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг музореъ феълининг маълуми вазнида келади. Музориъат ҳарфининг ўрнига заммали мийм (مُ) келтириб, охиридан олдинги ҳарф касрали қилинади.

Масалан:

مُكْرِمٌ – يُكْرِمُ – أَكْرَمَ (ҳурмат қилувчи)

مُفَرِّحٌ – يُفَرِّحُ – فَرَّحَ (хурсанд қилувчи)

مُدَحْرِجٌ – يُدَحْرِجُ – دَحْرَجَ (.малатувчи)

مُتَدَحْرِجٌ – يَتَدَحْرَجُ – تَدَحْرَجَ (думаловчи)

## 2
## Исми мафъул

Исми мафъул сулосий мужаррад бобларида доимо مَفْعُولٌ вазнида келади. Масалан: مَضْرُوبٌ каби.

Исми мафъул ҳам 6та сийғада келади: 3та музаккар ва 3та муаннас.

Исми мафъул қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| مَضْرُوبٌ | урилган бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси) |
| مَضْرُوبَانِ | урилган икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси) |
| مَضْرُوبُونَ | урилган кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси) |
| | |
| مَضْرُوبَةٌ | урилган бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси) |
| مَضْرُوبَتَانِ | урилган икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси) |

| | |
|---|---|
| مَضْرُوبَاتٌ | урилган кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси) |

Муаннаснинг жамъ сийғаси яна مَفَاعِلُ вазнида ҳам келади.

Масалан: مَضَارِبُ –урилган кўп аёллар (жамъ муаннас сийғаси).

Исми мафъул сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг музореъ феълининг мажҳули вазнида келади. Музориъат ҳарфининг ўрнига заммалик миим (مُ) келтирилиб, охиридан олдинги ҳарф фатхали қилинади. Масалан:

أَكْرَمَ – يُكْرِمُ – مُكْرَمٌ (ҳурмат қилинган)

فَرَّحَ – يُفْرِّحُ – مُفَرَّحٌ (хурсанд қилинган)

دَحْرَجَ – يُدَحْرِجُ – مُدَحْرَجٌ (.малатилган)

تَدَحْرَجَ – يَتَدَحْرَجُ – مُتَدَحْرَجٌ (думалаган)

## 3
## Исми замон ва исми макон

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларининг يَفْعِلُ бобида ва сулосий мужаррад бобларининг мисол феълларида феълнинг ع ҳарфи ҳаракати касрали бўлиб, مَفْعِلٌ вазнида келади.

Масалан:

ضَرَبَ– يَضْرِبُ → مَضْرِبٌ (فَعَلَ يَفْعِلُ боби, саҳиҳ феъл);

وَعَدَ– يَعِدُ → مَوْعِدٌ (فَعَلَ يَفْعِلُ боби, мисол феъл);

وَضَعَ– يَضَعُ → مَوْضِعٌ (فَعَلَ يَفْعَلُ боби, мисол феъл).

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларининг يَفْعِلُ бобидан бошқа бобларда ва сулосий мужаррад бобларининг ноқис феълларида феълнинг ع ҳарфи ҳаракати фатҳали бўлиб, مَفْعَلٌ вазнида келади. Масалан:

نَصَرَ– يَنْصُرُ → مَنْصَرٌ (فَعَلَ يَفْعُلُ боби, саҳиҳ феъл);

رَمَى– يَرْمِيُ → مَرْمَىٌ (فَعَلَ يَفْعِلُ боби, ноқис феъл);

كَنَسَ– يَكْنُسُ → مَكْنَسٌ (فَعَلَ يَفْعُلُ боби, саҳиҳ феъл).

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг исми мафъуллари вазнида келади. Масалан:

أَكْرَمَ– يُكْرِمُ → مُكْرَمٌ (اَفْعَلَ يُفْعِلُ боби);

فَرَّحَ– يُفَرِّحُ → مُفَرَّحٌ (فَعَّلَ يُفَعِّلُ боби);

دَحْرَجَ– يُدَحْرِجُ → مُدَحْرَجٌ (فَعْلَلَ يُفَعْلِلُ боби);

تَدَحْرَجَ– يَتَدَحْرَجُ → مُتَدَحْرَجٌ (تَفَعْلَلَ يَتَفَعْلَلُ боби).

Исми замон ва исми макон уч сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| مَضْرِبٌ | урадиган бир замон ёки бир макон (воҳид сийғаси) |
| مَضْرِبَانِ | урадиган икки замон ёки икки макон (тасния сийғаси) |
| مَضَارِبُ | урадиган кўп замонлар ёки кўп маконлар (жамъ сийғаси) |

### 4
### Исми олат

Исми олат сулосий мужаррад бобларида уч вазнда келиши мумкин:
1. مِفْعَلٌ ; 2. مِفْعَالٌ ; 3. مِفْعَلَةٌ

سَطَرَ – يَسْطُرُ (чизиқ чизди) → مِسْطَرٌ –чизиқ чизувчи қурол, яъни чизғич;

فَتَحَ – يَفْتَحُ (очди) → مِفْتَاحٌ –очувчи қурол, яъни калит;

كَنَسَ – يَكْنُسُ (супурди) → مِكْنَسَةٌ –супурувчи қурол, яъни супурги.

Исми олат сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда келмаган.
Исми олат ҳам уч сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

مِضْرَابٌ – урадиган бир қурол (воҳид сийғаси);

مِضْرَابَانِ – урадиган икки қурол (тасния сийғаси);

مَضَارِيبُ –урадиган кўп қуроллар (жамъ сийғаси).

**"Эслатма:** Агар исми олат مِفْعَلٌ вазнида келса, жамъ сийғаси مَفَاعِلُ вазнида бўлади. Агар مِفْعَالٌвазнида келса, жамъ сийғаси مَفَاعِيلُ вазнида бўлади.

### 5
### Исми тафзил

Исми тафзил сулосий мужаррад бобларида музаккар учун أَفْعَلُ вазнида, муаннас учун فُعْلَى вазнида келади. Масалан: أَضْرَبُ ва ضُرْبَى каби.

Исми тафзил сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда келмаган.
Исми тафзил 6 сийғада (3та музаккар ва 3та муаннас) келади ва қуйидагича сарфланади:

| | |
|---|---|
| أَضْرَبُ | урувчироқ бир эркак (воҳид, музаккар сийғаси) |
| أَضْرَبَانِ | урувчироқ икки эркак (тасния, музаккар сийғаси) |
| أَضْرَبُونَ | урувчироқ кўп эркаклар (жамъ, музаккар сийғаси) |
| ضُرْبَى | урувчироқ бир аёл (воҳида, муаннас сийғаси) |
| ضُرْبَيَانِ | урувчироқ икки аёл (тасния, муаннас сийғаси) |
| ضُرْبَيَاتٌ | урувчироқ кўп аёллар (жамъ, муаннас сийғаси) |

## Калимадаги аслий ва зиёда ҳарфлар

Араб тилида калималарнинг асл ҳарфларига қўйидаги ўн ҳарфдан бир ёки бир нечтаси қўшилиши орқали, туб маънода бир-бирига яқин, хилма-хил шаклдаги калималар келиб чиқади.

اَلْيَوْمَ تَنْسَاهُ – ا، ل، ي، و، م، ت، ن، س، ا، ه

Масалан биз قَلَمٌ (қалам) калимасига م ва ة қўшимча ҳарфни қўшсак шакли ва маъноси ўзгариб, مِقْلَمَةٌ калимаси келиб чиқади. Ана шунинг учун مِقْلَمَةٌ калимасидаги م

ва ة ҳарфлари қўшимча яъни зоида ҳарфлари деб, قلم ҳарфлари эса аслий ҳарфлар, деб юритилади. Аслий ҳарфларни зоидалардан ажратиб олиш учун فعل калимасини қолип қилиб олинган. Ана шу қолипга биноан калималарнинг аслий ҳарфларини биринчисини ف, иккинчисини ع, учинчисини ل, билан белгилаб, ҳарфларни ҳаракатини ҳам айнан кўчирилади.

ضَرَبَ يَضْرِبُ اِضْرِبْ مَضْرِبَةٌ

فَعَلَ يَفْعِلُ اِفْعِلْ مَفْعِلَةٌ

Масалан مَكْتَبَةٌ (кутубхона) калимасини асли ҳарфларини зоидаларидан ажратиб олиш учун уни مَفْعَلَةٌ қолипига соламиз.

مَكْتَبَةٌ – مَفْعَلَةٌ

бу ерда ف ع ل нинг баробарида жойлашган ҳарфларгина аслийдир.

Демак مَكْتَبَةٌ калимасининг аслий ҳарфлари ك، ت، ب ҳарфлари бўлиб, зоидалар م ва ةдир.

Масалан;

أَفْعَلَ اِفْتَعَلَ إِفْعَالٌ مَفْعُولٌ

أَكْرَمَ اِكْتَسَبَ إِسْلاَمٌ مَشْهُورٌ

Қўшимча: Агар феъл ёки калиманинг аслий ҳарфлари тўртта бўлса, у ҳолда فعلга битта ل қўшилади, натижада فَعْلَلَ бўлади.

Мисоли.

فَعْلَلَةٌ فَعْلَلَ فَعْلَلَ

دَحْرَجَةٌ دَحْرَجَ شَفْشَفَ

Феълларнинг боблари

Араб тилида 22 та феъл боби бўлиб, ана шу 22 боб тўрт қисмга бўлинади.

1. **Сулосий мужаррад** – қўшимчасиз уч ҳарфли феъллар.
2. **Сулосий мазид** – қўшимчалик уч ҳарфли феъллар.
3. **Рубоъий мужаррад** – қўшимчасиз тўрт ҳарфли феъллар.
4. **Рубоъий мазид** – қўшимчалик тўрт ҳарфли феъллар.

**Сулосий мужарраднинг олти боби**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| اِضْرِبْ | يَضْرِبُ | ضَرَبَ | اِفْعِلْ | يَفْعِلُ | فَعَلَ | ١ |
| أُكْتُبْ | يَكْتُبُ | كَتَبَ | أُفْعُلْ | يَفْعُلُ | فَعَلَ | ٢ |
| اِفْتَحْ | يَفْتَحُ | فَتَحَ | اِفْعَلْ | يَفْعَلُ | فَعَلَ | ٣ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ٤ | فَعِلَ | يَفْعَلُ | اِفْعَلْ | عَلِمَ | يَعْلَمُ | اِعْلَمْ |
| ٥ | فَعِلَ | يَفْعِلُ | اِفْعِلْ | نَعِمَ | يَنْعِمُ | اِنْعِمْ |
| ٦ | فَعُلَ | يَفْعُلُ | اُفْعُلْ | شَرُفَ | يَشْرُفُ | اُشْرُفْ |

Сулосий мужаррад фелларининг ўзаги аниқ, муайян бир қолипда келмайди. Уларни фақат луғат китоблари орқали ёд олинади.

Мисоллари;

Урмоқ - ضَرْبٌ

Ёзмоқ - كِتَابَةٌ

Ўтирмоқ – جُلُوسٌ

## Маълум ва мажҳул феъллар

Феъллар маълум (аниқ) ва мажҳул (ноаниқ)га бўлинади.

Аниқ феълларда бажарувчи шахс аниқ бўлади.

Масалан:

١ – كَتَبَ مَحْمُودٌ الْمَكْتُوبَ

٢ – أَنْتَ شَرِبْتَ الشَّايَ

٣ – أَنَا فَتَحْتُ الْبَابَ

Биринчи мисолда иш ҳаракатни бажарувчи Маҳмуд, иккинчисида сен, учинчисида эса мен бўлди. Булар аниқ маълум феъллардир.

Мажҳул феълларнинг бажарувчиси ноаниқ бўлиб, фақатгина қилинмиши аниқ бўлади.

Масалан:

Мактуб ёзилди – كُتِبَ الْمَكْتُوبُ

Чой ичилди – شُرِبَ الشَّايُ

Эшик очилди – فُتِحَ الْبَابُ

Маълумки, феълларни мажҳулга айлантириш учун мозийда аввалги ҳарфни замма, охиридан олдинги ҳарфни касра қилинади. Музореъда ҳарфи музораатни замма қилинади, охиридан олдинги ҳарфни фатҳа қилинади.

Мажҳул феъллар сулосий мужарраднинг олти бобида бир хил келади.

| | |
|---|---|
| ضُرِبَ | يُضْرَبُ |
| كُتِبَ | يُكْتَبُ |
| فُتِحَ | يُفْتَحُ |
| عُلِمَ | يُعْلَمُ |

نُعِمَ يُنْعَمُ

شُرِفَ يُشْرَفُ

**Амр олиш қоидаси**

Амр феълларини музореънинг мухотабини олти сийғасидан икки йўлга биноан олинади.

1. Ҳарфи музораатни туширилади.
2. Охирини сукун қилинади.

| | | |
|---|---|---|
| تَضْرِبُ | ضْرِبْ | اِضْرِبْ |
| تَضْرِبَانِ | ضْرِبَا | اِضْرِبَا |
| تضْرِبُونَ | ضْرِبُو | اِضْرِبُوا |
| تَضْرِبِينَ | ضْرِبِي | اِضْرِبِي |
| تَضْرِبَانِ | ضْرِبَا | اِضْرِبَا |
| تَضْرِبْنَ | ضْرِبْنَ | اِضْرِبْنَ |

Биринчи ҳарф сукунли бўлгани учун бир алифи васлияни олиб келинади. Агар феълнинг музорисидаги ўрта ўзаги яъни فَعل нинг ع ни муқобилидаги ҳарфни ҳаракати заммалик бўлса алифи васлияни замма қилинади. Масалан اُكْتُبْ ёз.

Қолган икки ҳолатда васлий алиф касра бўлади. Масалан اِفْتَحْ، اِضْرِبْ каби.

Муаннас мухотаб кўпликни нунидан бошқа нунларни тушиши сукунни ўрнини босади.

**Замон ва макон исмларини ясаш**

Сулосий мужарраднинг исми замон маконини олишда فَعَلَ ни ع га эътибор берилади. Агар ع касралик бўлса ع нинг муқобилидаги ҳарфни касра қилинади.

Масалан جَلَسَ يَجْلِسُ مَجْلِسٌ каби.

Агар ع ни муқобилидаги ҳарф, музореъда заммалик ёки фатҳалик бўлса ع ни муқобилидаги ҳарф фатҳалик бўлади.

Масалан:

كَتَبَ يَكْتُبُ مَكْتَبٌ – Мактаб

عَلِمَ يَعْلَمُ مَعْلَمٌ – Белги

Сулосий мужарраддаги فَعَلَ ни ف си баробаридаги ҳарф و бўлса замон ва макон исмлари фақат касра билан олинади.

Масалан:

وَضَعَ وَضْعٌ مَوْضِعٌ

وَلَدَ وِلاَدَةٌ مَوْلِدٌ

Огоҳлантириш:

مِفْعَالٌ вазнидаги исми олат, катта ҳажмдаги нарсани билдиради

مِفْعَلٌ вазнидаги исми олат эса, кичик ҳажмдаги нарсани билдиради.

Масалан:

Катта калит – مِفْتَاحٌ

Кичкина калит – مِفْتَحٌ

Бундан ташқари исми олатлар مُفْعُلٌ вазнида ҳам келади.

Келича сопи - مُدُقٌّ

Элак - مُنْخُلٌ

Яна ҳозирги замон исми олатлари فَعَّالَةٌ вазнида келади.

Велосипед - دَرَّاجَةٌ

Трактор - جَرَّارَةٌ

Машина - سَيَّارَةٌ

Музлатгич - ثَلاَّجَةٌ

**Машқ**

Ўтирмоқ - جُلُوسٌ

Ёзмоқ - كِتَابَةٌ

Очмоқ -فَتْحٌ

Билмоқ - عِلْمٌ

Ўзакларидан еттита феъл ва бешта исмни луғат китоби ёрдамида ясанг.

## (2-тур) сулосий мазид феъллари

Сулосий мазид феъллари 12 та бобда келади

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | إِفْعَالٌ | أَفْعِلْ | يُفْعِلُ | أَفْعَلَ | ١) |
| تَفْعِلَةٌ | تَفْعِيلٌ | فَعِّلْ | يُفَعِّلُ | فَعَّلَ | ٢) |
| فِعَالٌ | مُفَاعَلَةٌ | فَاعِلْ | يُفَاعِلُ | فَاعَلَ | ٣) |
| | اِنْفِعَالٌ | اِنْفَعِلْ | يَنْفَعِلُ | اِنْفَعَلَ | ٤) |
| | اِفْتِعَالٌ | اِفْتَعِلْ | يَفْتَعِلُ | اِفْتَعَلَ | ٥) |
| | تَفَعُّلٌ | تَفَعَّلْ | يَتَفَعَّلُ | تَفَعَّلَ | ٦) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | تَفَاعُلٌ | تَفَاعَلْ | يَتَفَاعَلُ | تَفَاعَلَ | ٧) |
| | اِفْعِلاَلٌ | اِفْعَلِّ | يَفْعَلُّ | اِفْعَلَّ | ٨) |
| | اِفْعِيلاَلٌ | اِفْعَالِّ | يَفْعَالُّ | اِفْعَالَّ | ٩) |
| | اِسْتِفْعَالٌ | اِسْتَفْعِلْ | يَسْتَفْعِلُ | اِسْتَفْعَلَ | ١٠) |
| | اِفْعِيعَالٌ | اِفْعَوْعِلْ | يَفْعَوْعِلُ | اِفْعَوعَلَ | ١١) |
| | اِفْعِوَّالٌ | اِفْعَوِّلْ | يَفْعَوِّلُ | اِفْعَوَّلَ | ١٢) |

## Сулосий мазидларни мажҳул ҳолда келиши

| | | |
|---|---|---|
| يُفْعَلُ | أُفْعِلَ | ١) |
| يُفَعَّلُ | فُعِّلَ | ٢) |
| يُفَاعَلُ | فُوعِلَ | ٣) |
| يُنْفَعَلُ | اُنْفُعِلَ | ٤) |
| يُفْتَعَلُ | اُفْتُعِلَ | ٥) |
| يُتَفَعَّلُ | تُفُعِّلَ | ٦) |
| يُتَفَاعَلُ | تُفُوعِلَ | ٧) |
| يُفْعَلُّ | اُفْعُلَّ | ٨) |
| يُفْعَالُّ | اُفْعُولَّ | ٩) |
| يُسْتَفْعَلُ | اُسْتُفْعِلَ | ١٠) |
| يُفْعَوْعَلُ | اُفْعُوعِلَ | ١١) |
| يُفْعَوَّلُ | اُفْعُوِّلَ | ١٢) |

## (3-Тур) Рубоъий мужаррад феъли

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| فِعْلاَلٌ | فَعْلَلَةٌ | فَعْلِلْ | يُفَعْلِلُ | فَعْلَلَ | ١) |

Мажҳули:

| | |
|---|---|
| يُفَعْلَلُ | فُعْلِلَ |

## (4-Тур) Рубоъий мазид феъллари

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | تَفَعْلُلٌ | تَفَعْلَلْ | يَتَفَعْلَلُ | تَفَعْلَلَ | ١) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | اِفْعِنْلاَلٌ | اِفْعَنْلِلْ | يَفْعَنْلِلُ | اِفْعَنْلَلَ | ٢) |
| | اِفْعِلْلاَلٌ | اِفْعَلِلَّ | يَفْعَلِلُّ | اِفْعَلَلَّ | ٣) |

Мажҳули:

| | |
|---|---|
| يُتَفَعْلَلُ | تُفَعْلِلَ |
| يُفْعَنْلَلُ | اُفْعُنْلِلَ |
| يُفْعَلَلُّ | اُفْعُلِلَّ |

## Исми фоил ва исми мафъул

Сулосий мазид, рубоъий мужаррад ва рубоъий мазидларнинг исми фоилини олиш учун:

Биринчи: Музореъ феълидаги ҳарфи музораъатни тушириб, ўрнига заммалик мимни келтирилади.

Иккинчиси: Охиридан олдинги ҳарфни касра, феълнинг охирини танвин қилинади. Мисоллари:

يُفْعِلُ مُفْعِلٌ. يُفَعِّلُ مُفَعِّلٌ

يُقْبِلُ مُقْبِلٌ. يُعَلِّمُ مُعَلِّمٌ

Исми фоилни исми мафъулга айлатириш учун охиридан олдинги ҳарфни фатҳа қилинади.

Мисоллари:

مُقْبِلٌ مُقْبَلٌ مُعَلِّمٌ مُعَلَّمٌ

Сулосий мазидни 8- ва 9-бобларидан фақат исми фоил олинади холос, исми мафъулни эмас. Мисоли:

يَحْمَرُّ مُحْمَرٌّ. يَحْمَارُّ مُحْمَارٌّ

Қўшимча: Сулосий мужарраддан бошқа бобларда исми замон ва макон, исми олат ва исми тафзил сийғалари келмайди.

Исми мафъул – исми мафъул, исми замон ва макон ва масдар ўрнида ишлатилади.

## Сулосий мазидлар

١) إِكْرَامٌ– ҳурмат қилмоқ

٢) تَعْلِيمٌ– таълим бериоқ

٣) مُسَابَقَةٌ– мусобақа қилмоқ

٤) اِنْقِلاَبٌ- оғдарилмоқ

٥) اِكْتِسَابٌ- касб қилмоқ

٦) تَعَلُّمٌ- таълим олмоқ

٧) تَمَارُضٌ- ўзини касалликка солмоқ

٨) اِحْمِرَارٌ- қизармоқ

٩) اِحْمِيرَارٌ- қип-қизармоқ

١٠) اِسْتِخْرَاجٌ- чиқариб олмоқ

١١) اِحْدِيدَابٌ- букчаймоқ

١٢) اِجْلِوَّازٌ- тез юрмоқ

## Рубоъий мужаррад

دَحْرَجَ- юмалатмоқ

## Рубоъий мазидлар

تَدَحْرُجٌ- юмаламоқ

اِبْرِنْشَاقٌ- гуллаб – яшнамоқ

اِطْمِأْنَانٌ- хотиржам бўлмоқ

## Қўшимча

8-боб اِحْمَرَّ ни муаннас ғоиби кўплигида اِحْمَرَرْنَ бўлиб, ора очилади.

يَحْمَرُّ ни муаннас ғоиби кўплигида ҳам يَحْمَرِرْنَ бўлиб, ора очилади.

9-боб اِحْمَارَّ ни муаннас кўплиги اِحْمَارَرْنَ бўлади, يَحْمَارُّ да эса, يَحْمَارِرْنَ бўлади.

## Соғлом ва касал феъллар

Саҳиҳ ва мўътал феъллар:

Сарф фанида исмлар ва феъллар ўзининг муайян вазнида бўлиши учун аслий ўзак ҳарфларнинг иккитаси бир хил бўлмаслиги ва ҳарф иллат (яъни касал ҳарфлардан) ҳоли бўлиши шарт.

Иллат ҳарфлар – тажвид фанида (чўзилувчи) бўлган و، ا، ى ҳарфларидир.

Агар исмлар ва феълларнинг ўзак ҳарфларидан иккитаси бир хил бўлса, ёки бир ва икки иллат ҳарфидан таркиб топган бўлса, у ҳолда тўртта эълол яъни (иллатли)

қилиш қонунига кўра талаффузда айтилиши қийин бўлгани учун ўзининг хос вазнидан бошқасига ўзгартирилади.

## Тўртта эълол қонунлари

1. Идғом – бир ҳарфни иккинчисига киритириш;

فَرَّ нинг асли فَرَرَ эди (қочди)

مَدَّ нинг асли مَدَدَ эди (чўзди)

مَدٌّ нинг асли مَدَدٌ эди (мадад бермоқ)

Юқоридаги мисолларда икки ҳарф бир жинсда бўлиб, айтишга қийин бўлгани учун идғом қилинади.

2. Қалб – бир ҳарфни бошқасига алмаштириш;

قَالَ нинг асли قَوَلَ эди (айтди)

جَاءَ нинг асли جَيَأَ эди (келди)

بَاعَ нинг асли بَيَعَ эди (сотди)

Юқоридаги мисолларда талаффуз қилиш қийин бўлгани учун «вов»ни ва «йо» ни алифга қалб қилинди.

3. Таскин – сукун қилиш;

يَرْمِي нинг асли يَرْمِيُ эди (отади)

يَبْكِي нинг асли يَبْكِيُ эди (йиғлайди)

يَرْوِي нинг асли يَرْوِيُ эди (ривоят қилади)

4. Ҳазф – бир ҳарфни тушириб қолдириш;

يَثِبُ нинг асли يَوْثِبُ эди (сакрайди)

يَضَعُ нинг асли يَوْضَعُ эди (қўяди)

خُذْ нинг асли أُؤْخُذْ эди (ол)

كُلْ нинг асли أُؤْكُلْ эди (егин)

## Ўтган 22 боб соғлом ва иллатли бўлиш юзасидан 7 қисмга бўлинади;

1. Саҳиҳ – соғлом.

فَعَلَ қолипининг муқобилидаги феълда икки ҳарфи бир хил бўлмаса ва ҳарфи иллатлардан ҳоли бўлса, "**саҳиҳ**", дейилади.

ضَرَبَ – يَضْرِبُ، جَلَسَ – يَجْلِسُ، كَتَبَ – يَكْتُبُ

2. Музоъаф – икки баробар ошириш.

فَعَلَ нинг ع ни ва ل и баробарида икки ҳарф бир жинсдан бўлса, "**музоъаф**", дейилади. Мисол;

فَرَّ – يَفِرُّ، مَدَّ – يَمُدُّ، مَسَّ – يَمَسُّ

3. Мисол – саҳиҳга ўхшаш.

فَعَلَ ни ف сини баробаридаги ҳарф иллатли бўлса "**мисол**", дейилади.

Мисол;

وَثَبَ – يَثِبُ، وَضَعَ – يَضَعُ، وَقَعَ – يَقَعُ

4. Ажваф – ғовак.

فَعَلَ нинг ع ни баробарида ҳарфи иллат бўлса "**ажваф**", дейилади.

Мисол;

قَالَ – يَقُولُ، جَاءَ – يَجِيءُ، خَافَ – يَخَافُ

5. Ноқис – қисқа

فَعَلَ нинг ل мини баробарида ҳарфи иллат бўлса "**ноқис**", дейилади.

Мисол;

رَمَى – يَرْمِي، بَكَى – يَبْكِي، بَقِيَ – يَبْقَى

6. Лафиф – жамланган.

فَعَلَ нинг ع ни ва ل и баробарида иллат ҳарфлари бўлса "**лафиф**" дейилади.

Мисол;

رَوَى، يَرْوِي

7. Мултавий – ўралган.

فَعَلَ нинг ف си ва ل и баробарида ҳарфи иллат келса "**мултавий**", дейилади.

Мисол:

وَحَى، يَحِي، وَقَى، يَقِي

Биз саҳиҳ феълларни юқорида ўргандик, энди музоъаф феълларни ўрганамиз.

| الْمَفْرُوق اللَّفِيفُ (الْمُلْتَوِي) ↓ | اللَّفِيفُ الْمَقْرُونُ (اللَّفِيفُ) ↓ | الْمُعْتَلّ اللاَّم (النَّاقِصُ) ↓ | الْمُعْتَلُّ العَيْنُ (الأَجْوَفُ) ↓ | الْمُعْتَلُّ الفَاء (الْمِثَالُ) ↓ | الْمُضَعَّفُ (الْمُضَاعَفُ) | السَّالِمُ (الصَّحِيحُ) ↓ | БОБ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ثُلاَثِي مُجَرَّد | | | | | | | |
| وَحَى | رَوَى | رَمَى | بَاعَ | وَثَبَ | فَرَّ | ١) ضَرَبَ – يَضْرِبُ | (I) |
| —— | —— | دَعَى | دَامَ | وَدَّ | رَدَّ | ٢) نَصَرَ – يَنْصُرُ | |
| —— | —— | رَعَى | —— | وَضَعَ | —— | ٣) مَنَعَ – يَمْنَعُ | |
| وَجِيَ | قَوِيَ | خَشِيَ | خَافَ | وَضِرَ | عَضَّ | ٤) حَمِدَ – يَحْمَدُ | |
| وَلِيَ | —— | —— | —— | وَرِثَ | —— | ٥) نَعِمَ – يَنْعِمُ | |
| —— | —— | رَخُوَ | طَالَ | وَقُحَ | حَبَّ | ٦) شَرُفَ – يَشْرُفُ | |
| ثُلاَثِي مَزِيد | | | | | | | |
| أَوْصَى | أَرْوَى | أَهْدَى | أَقَامَ | أَوْجَبَ | أَحَبَّ | ١) أَكْرَمَ – يُكْرِمُ | (IV) |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| (II) | ٢) صَرَّحَ – يُصَرِّحُ | جَدَّدَ | وَحَّدَ | صَوَّبَ | رَبَّى | سَوَّى | وَفَّى |
| (III) | ٣) سَافَرَ – يُسَافِرُ | حَابَّ | وَاظَبَ | جَاوَبَ | حَابَى | دَاوَى | وَالَى |
